

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қарори

**Экологик хавфсизлик тўғрисидаги техник регламентни
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларида экологик хавфсизликни таъминлашга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Экологик хавфсизлик тўғрисидаги техник регламент 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

3. Белгилансинки, Экологик хавфсизлик тўғрисидаги техник регламент расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 27 октябрдаги 295-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов